O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI FUQARO AVIATSIYASI AGENTLIGI

B U Y R U Q

20 21-yil "02" 04 68-son

Ichki tashkiliy-ma'muriy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida

"O'zaviatsiya" agentligining 26-apreldagi 34-son buyrug'i asosida ""O'zaviatsiya" agentligi tarkibini tasdiqlash to'g'risida"

buyuraman:

1. Tasdiqlansin:

Aerodromlarni sertifikatlash va aerodromlar atrofida ob'ektlarni joylashtirish uchun ruxsatnomalar berish Bo'limining Nizomi, 1-ilovaga muvofiq;

Aerodromlarni sertifikatlash va aerodromlar atrofida ob'ektlarni joylashtirish uchun ruxsatnomalar berish Bo'lim boshlig'ining Lavozim yo'riqnomasi, 2-ilovaga muvofiq;

Aerodromlarni sertifikatlash va aerodromlar atrofida ob'ektlarni joylashtirish uchun ruxsatnomalar berish Bo'limining aerodromlarni sertifikatlash bo'yicha bosh mutaxassis-inspektorining Lavozim yo'riqnomasi, 3-ilovaga muvofiq;

Aerodromlarni sertifikatlash va aerodromlar atrofida ob'ektlarni joylashtirish uchun ruxsatnomalar berish Bo'limining parvozlarning aerodrom ta'minoti va to'siqlarni nazorat qilish bo'yicha yetakchi mutaxassis-inspektorining Lavozim yo'riqnomasi, 4-ilovaga muvofiq;

2. "O'zaviatsiya" agentligi devonxona boshlig'i mazkur buyruqni Aerodromlarni sertifikatlash va aerodromlar atrofida ob'ektlarni joylashtirish uchun ruxsatnomalar berish Bo'limi hodimlariga imzo qo'ydirib etkazsin.

3. Mazkur buyruqning bajarilishini nazorat qilish "O'zaviatsiya" agentligining SPXNB boshlig'i zimmasiga yuklatilsin.

Direktor v.b. **T. Uljaev**

I M Z O L A N D I:

Direktor o'rinbosari	O.N. Lim
SPXNB boshlig'i	T.A. Nazarov
Bosh ekonomist	E.M. Sidorova
Direktor yordamchisi	R.D. Gulyamov
Bosh yuriskonsult	I.R. Bayburina

Kelishildi:

Kasaba qo'mitasi raisi	R.D. Gulyamov

T/R:

Ishga -1

ASAAOJRB-1

Baj: I.N. Nigmatullayev
тел: 20-76

“Ўзавиация” агентлигининг
2021 йил 02.07.
68 сон буйруғига
1 илова

Аэродромларни сертификациялаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлими тўғрисида
НИЗОМ

Асос:

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги 5584-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси хаво кемалари парвозининг· хавфсизлигини таъминлаш давлат дастури"ни тасдиқлаш тўғрисидаги 2014 йил 17 декабрдаги 346-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат килиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиациясининг сертификатлаш ва парвозлар хавфлигини назорат қилиш бошқармасининг Низоми.

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг стандартлари ва тавсиялари.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Аэродромларни сертификатлаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлими (кейинчалик - Бўлим) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фукаро авиацияси агентлиги (кейинчалик – «Ўзавиация» агентлиги) сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошкармаси (кейинчалик - Бошкарма) таркибига киради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, халқаро фукаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) хужжатларига, «Ўзавиация» агентлиги ва Бошқарма Низомларига, «Ўзавиация» агентлиги директори буйруқлари ва кўрсатмаларига ва мазкур Низомга асосан амал килади.

3. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси фукаро ва экспериментал авиациясида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекторлари мақомига эга.

4. Бўлимнинг ташкилий тузилмаси иловада келтирилган.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

фукаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлашни ташкил қилиш ва таъминлаш;

парвозларнинг аэродром ва орнитологик таъминотини ташкиллаштириш ва назоратга олиш;

парвозлар хавфсизлигига тахдид солувчи фаолиятларни назорат қилиш;

тўсиқларни назорат қиилиш ва аэродромлар атрофида объекларни жойлаштириш учун рухсатномалар беришни ташкиллаштириш;

6. Бўлим ўзига юкланган вазифалари бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияниг Низоми (1944 йилги Чикаго Конвенцияси) ва унинг иловаларига асосланган ҳолда норматив-хуқуқий хужжатларнинг лойихасини тайёрлайди;

белгиланган тартибда фуқаро ва экспериментал авиацияси хамда биргаликда қўлланиладиган аэродромларни сертификациялаш ва керакли сертификаталарни беришни ташкиллаштиради;

белгиланган тартибда сертификациядан ўтган аэродромларни инспекция текширишдан ўтказишни ташкиллаштиради;

7. Қуйидагиларга риоя қилишни ташкиллаштиради ва назоратга олади:

фуқаро ва экспериментал авиацияси хамда биргаликда қўлланиладиган аэродромларни ва аэродром жихозларини парвоз хавфсизлигини таъминлаган холда эксплуатация қилиш коидаларини;

парвоз хавфсизлигини таъминлаш максадида авиация ходимларини тайёрлаш қоидаларини;

фукаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини эксплуатацияга яроқлилик нормаларини;

аэродром эксплуатантлари томонидан ҳаво кемаларини қушлар ва ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашувини олдини олиш бўйича тадбирларини назоратга олиш;

парвозлар хавфсизлигига тахдид солувчи фаолиятни фаоллаштириш қоидаларини назорат қилиш;

парвозлар хавфсизлигига таҳлид солувчи объектларни маркировка қилиш қоидаларини;

фукаро авиацияси ташкилотларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимини амалда қўлланишини назорат қилиш;

фукаро авиацияси объектларига берилган хорижий сертификатларни тан олиш бўйича хулосалар тайёрлаш;

парвозлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари, норматив-хуқукий базаларни ва инснектор ходимларни тайёрлашини такомиллаштириш бўйича ўтказиладиган халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиш;

аэродромларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган авиация ходимларини тайёрлаш Ўкув режаларини ва дастурларини экспертизадан ўтказиш;

аэродромларда парвозлар хавфсизлиги кўрсаткичларини назорат қилиш;

аэродромларда «Хавфсизлик кунини ташкил қилиш ва тизим асосида ўтказишни назорат қилиш;

бўлим ваколати доирасида жисмоний ва юридик шахслар мурожатларини кўриб чиқишни назорат қилиш;

қонунда кўрсатилган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга консультация ва ахборатлар бериш;

бўлим инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлимга юклатилган вазифалар ва функцияларининг бажарилиши билан боғлиқ, норматив-ҳуқуқий хужжатларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлаш;

сертификациядан ўтган аэродромларни инспекцион назоратини амалга ошириш ва бунга ўрнатилган тартибда «Ўзавиация» агентлиги ва бошқа авиация корхона ва ташкилотларининг керакли ходимларини жалб этиш;

мустақил равишда ёки Агентликнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда аеродромларнинг парвозлар хавфсизлигини ташкил этишни тартибга солувчи белгиланган нормалар, қоидалар ва талабларга мувофиқлиги тўғрисида сертификатланган аеродромларни мақсадли текширишни амалга оширади.

бўлимга юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли ахборот ва ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тегишли авиация корхона, ташкилотларидан, жисмоний ва юридик шахслардан сўраб олиш;

9. Бўлимнинг инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

авиация хавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя қилган ва «Ўзавиация» агентлиги инспектори шахсий гувоҳномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемаларига, объектларга тўсиқсиз кириш ва текшириш учун керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

текширишлар мобайнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш максадида жисмоний ва юридик шахсларга бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмаларни ёзма равишда тақдим қилиш;

парвозлар хавсизлигига тахдид қиладиган омиллар бўлса, аэродромлар ёки учиш майдони участкаларидан, аэродром ускуналаридан фойдаланишга чекловлар жорий қилиш;

ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқукбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллаш:

бўлим билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда бошқа давлатларнинг тегишли халқаро ташкилотлари билан ўзаро алоқада бўлиб, ўз ваколати доирасидаги халқаро шартномалар ва битимларнинг бажарилишини таъминлаш;

аеродромларда парвозлар хавфсизлиги масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ишларида ва семинарларда қатнашиш, фуқаро авиацияси инспекторларининг малакасини ошириш;

бўлим ваколати доирасидаги масалалар бўйича ташкилотлар билан ёзишмалар

олиб бориш;

бўлим ваколати доирасига кирувчи бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил қилиш

10. Бўлим бошлиғи Бошқарма бошлиғи тавсияси асосида «Ўзавиация» агентлиги директорининг буйруғи билан ўз вазифасига тайинланади ва озод қилинади. Бўлим бошлиғи тўғридан тўғри Бошқарма бошлиғига бўйсунади.

11. Бўлим бошлиғи бўлмаганида бошқарма бошлиғининг кўрсатмасига асосан унинг визифаларини бўлимнинг тайинланган бош мутахассиси-инспектори бажаради.

12. Рахбарият топшириқларини бажаришда бўлим ходимлари ўз лавозим йўриқномларига асосан маъсулдирлар.

13. Бўлим фаолияти бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган режа асосида амалга оширилади.

14. Бўлимнинг иш тартиби ««Ўзавиация» агентлиги ишчиларининг ички мехнат тартиб ва қоидалари» асосида ўрнатилади.

15. Бўлимнинг иш унумдорлигини ва ходимларни ўзаро алмашланишни таъминлаш мақсадида бўлим бошлиғи хар бир ходимнинг ихтисослигини инобатга олган холда ишни тақсимлайди.

СПХНБ бошлиғи **Т. А. Назаров**

Аэродромларни сертификатлаш
ва Аэродромлар атрофида объектларни
жойлаштириш учун рухсатномалар
бериш бўлими тўғрисидаги Низомга
Илова

Аэродромларни сертификатлаш ва аэродромлар атрофида объектларни жойлаштириш учун рухсатномалар бериш бўлими

ТУЗИЛМАСИ